

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАБАЕВ ОТАБЕК ДЖУРАБАЕВИЧ**

**АСАЛАРИЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ**  
**ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**08.00.13 – Менежмент**  
**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Джурабаев Отабек Джурабаевич**

Асаларичилик хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий  
механизмлари ..... 3

**Джурабаев Отабек Джурабаевич**

Организационно-экономические механизмы управления  
пчеловодческими хозяйствами ..... 27

**Djurabaev Otabek Djurabaevich**

Organizational-economic mechanisms of management of beekeeping  
farms ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАБАЕВ ОТАБЕК ДЖУРАБАЕВИЧ**

**АСАЛАРИЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ**  
**ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt815 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Ақромов Тохир Абдурахмонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Муртазоев Олим**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 232-01-49, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В.Ғафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

**К.Б. Аҳмеджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилган махсус тадқиқотлар иқтисодий тармоқларида асаричилик тармоғининг ўрни муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу тармоқнинг муҳимлиги инсоният учун зарур бўлган асаричилик маҳсулотларини етиштириб бериш билан биргаликда, қишлоқ хўжалиги экинларини чанглатиш воситаси эканлиги билан ҳам белгиланади. “Дунёнинг турли нуқталаридан асариларнинг қирилиб кетаётганлиги тўғрисида олинаётган ахборотлар мазкур тармоқнинг йўқолиб кетиш хавфи юзага келаётганини кўрсатади”<sup>1</sup>. Шунга кўра, дунёнинг кўплаб мамлакатларида мазкур тармоқнинг фаолият самардорлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида асаричилик хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда жаҳоннинг турли илмий марказ ва тадқиқот муассасаларида асаричилик хўжаликлари фаолиятини самарали бошқаришнинг кўплаб илмий йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, асаричилик хўжаликлари фаолиятини бошқариш стратегияларини шакллантириш, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосий ёндашувларини такомиллаштириш, нисбатан кичик миқёсдаги хўжаликлар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, асаричилик маҳсулотларининг диверсификация даражасини кучайтириш, мазкур хўжаликларда инновацион жараёнларни бошқариш самардорлигини ошириш кабилар муҳим илмий йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда асаричилик тармоғида меҳнатни ташкил этишдаги илмий ёндашувлар ва менежмент тизими борасидаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик мазкур хўжаликларнинг қисқаришига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сон “Республикамизда асаричилик тармоғини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатда асаричилик самардорлигини ошириш, жумладан, илғор тажрибаларни ўрганиш, асаричилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун захиралардан фойдаланиш, асал маҳсулоти сифатини яхшилаш, асални қайта ишлашда замонавий технологиялардан фаол фойдаланиш каби масалалар кўзда тутилган. Тармоқ бошқаруви самардорлигини ошириш борасида “Фарғона давлат университетида асаричилик бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш, хорижий давлатлар, шунингдек АҚШ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги ҳамда соҳа мутахассислари доимо тажриба алмашиши учун ўзбек-америка қўшма корхоналарини ташкил этиш зарур”лиги белгиланган<sup>2</sup>. Асаричиликда менежмент самардорлигини ошириш соҳанинг барқарор ривожланиши, ички бозорда юқори сифатли арзон ва табиий маҳсулотлар концентрациясини вужудга келтиришда, саноатга зарурий хом ашёларни

<sup>1</sup> Манба: <http://news.21.by/other-news/2019/07/19/1842722.html>

<sup>2</sup> Манба: <https://news.rambler.ru/world/37220442-mirzeev-v-fergane-pchelovodstvo-park-kultury-i-partnerstvo-s-ssha/>; <https://anhor.uz/news/fergankomu-gosuniversitetu-porucheno-gotovit-pchelovodov-s-visshim-obrazovaniem>

етказиб беришда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, асаричилик соҳасини ривожлантириш ва соҳада менежмент самарадорлигини ошириш муаммолари, шунингдек, соҳани иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан интеграциялаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси бўлиб, унинг услубий ва назарий асосларини такомиллаштиришни, замонавий бозор шароитига мос келадиган амалий тавсияларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ-3327-сон «Республикамизда асаричилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Асаричиликни бошқаришнинг назарий ва методологик асослари Г.А.Аветисян<sup>3</sup>, А.Г.Чепик, В.В.Жилин, Е.П.Колосов, Н.А.Беляева, Н.И.Кривцов, С.В.Малкин, Е.О.Одинокова, А.Н.Прохоров, З.А.Залилова, А.Г.Маннапов, М.Х.Холназаров каби хорижий

---

<sup>3</sup> Аветисян Г.А. Разведение и содержание пчел. - М. : Колос, 1983- 95 с.; Чепик А.Г. Экономика и организация инновационных процессов в пчеловодстве и развитие рынка продукции отрасли монография / А.Г. Чепик, В.Ф. Некрашевич, Т.В. Торженева ; Ряз. гос. ун-т им. С.А. Есенина. — Рязань, 2010. — 212 с.; Жилин В.В. Повышение эффективности производственных процессов в пчеловодстве (теория, методология, практика): дис. на соискание ученой степени доктора экономических наук, М., 2009. – 292 с.; Колосова Е.П. Повышение эффективности пчеловодства / Е. П. Колосова. - Москва : Проспект, 2008. – 131 с.; Беляева, Н. А. Перспективы экономики пчеловодства / Н. А. Беляева // Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. - 2008. -№ 2 (16). - С. 67-68.; Кривцов Н.И. Селекция пчел: достижения и задачи // Пчеловодство. — 2007. — № 10. — С. 3-6.; Малкин С.В. Повышение экономической эффективности развития пчеловодства в системе продовольственного обеспечения: автореферат дисс. канд. экон. Наук, Саранск, 2015. – 25 с.; Повышение экономической эффективности развития пчеловодства в системе продовольственного обеспечения: автореферат дисс. канд. экон. Наук, Саранск, 2015. – 25 с.; Одинокова Е.О. Развитие пчеловодства в Иркутской области: монография / Г.М. Винокуров, Е.О. Одинокова. – Иркутск: Изд-во ИрГСХА, 2013. – 88 с.; Прохорова А.Н. Повышение эффективности пчеловодства в Красноярском крае. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Краснодар, 1998.; Залилова З.А., Маннапов А.Г. Экономические факторы и организационные вопросы устойчивого развития отрасли пчеловодства//Вестник Оренбургского государственного университета 2008. - №8, С. 123-127.; Пчеловодство. Практический курс: Учебное пособие (с грифом Министерства СХ РФ) / А.Г. Маннапов, О.А. Антимирова – М: Изд. РГАУ-МСХА им. К.А. Тимирязева, 2012 – 330 с.; Холназаров М. Х. Повышение экономической эффективности развития пчеловодства в регионе (на материалах Хатлонской области Республики Таджикистан автореф. дис. ... канд. экономических наук. - Душанбе, 2016 – 26 с.;

олимларнинг асарларида тадқиқ этилган ҳамда асаларичиликни бошқариш концепцияси ривожлантирилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлилигини ошириш, бошқарувнинг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигини етакчи тармоқларидан бўлган асаларичиликни бошқаришнинг назарий ва услубий асослари С.Н.Кабилжанов, Р.М.Мухаматзанова, Г.С.Ярошевич ва бошқа бир қатор олимларнинг ишларида ўз аксини топган.

Турли соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш И.А.Асташкина<sup>4</sup>, В.М.Мишин, О.С.Виханский, А.И.Наумов каби олимларнинг асарларида кўриб чиқилган.

Асаларичилик соҳасини ривожлантиришда асал олинадиган табиий ўсимликларнинг хусусиятлари А.Н.Бургомистров<sup>5</sup>, А.Халко, Р.Френкел, Г.Х.Ҳамидов, Д.Т.Шакиров каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида асаларичиликни бошқаришнинг технологик, экологик-иқтисодий, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишнинг ўзига хос назарий, услубий ва амалий масалалари етарлича ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади ҳамда тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда асаларичиликни бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

Кабылджанов С.Н. Причины уменьшения количества пчел в Кашкадарьинской области [Электронный ресурс] [http://uz-honey.narod.ru/stati\\_prichini.htm](http://uz-honey.narod.ru/stati_prichini.htm).; Мухаматзанова Р.М. Хлопчатник, как основной медонос Сурхандарьинской области [Электронный ресурс] <http://сайтпчеловодов.рф/3440-hlopchatnik-kak-osnovnoi-medonos-surhandarinskoi-oblasti.htm>.; Ярошевич Г.С. Зависимость экономической эффективности применения в пчеловодстве биологически активных веществ от плодовитости маток и продуктивности кормового участка// Материалы 1-й Между народной, 3-й Всероссийский научно-практической конференций (Псков 8-11 сентября 2005г.). - М., 2006. -С. 153-156.

<sup>4</sup> Асташкина И.А, Мишин В.М, Стадии и этапы исследования систем управления. М.: 2015. – 503 с.; Мишин В.М.. Исследование систем управления: Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, - 527 с.. 2003 г.;

Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс: 2-е изд.: Учебник. - М.: Фирма «Гардарика», 2015. – 152 с.; Наумов А. Качества менеджмента XXI века // Менеджмент сегодня. — 2003. — №6. — С.2–5;

<sup>5</sup> . Бургомистров А.Н., Никитина В.А. Медоносные растения и их пыльца М., Росагропромиздат, 1990. – 192 с.; Халько А. Н. Методика определения пыльцы в меде// Пчеловодство, 2014. №5. -С. 17-24.; Френкель, Р. Механизмы опыления, размножение и селекция растений / Р. Френкель, Э. Галун. - М. : Колос, 1982. - 384 с.; Хамидов Г.Х. Медоносные растения Узбекистана и пути их рационального использования / Под ред. Д. К. Саидова Ташкент, Фан, 1987. – 127 с.; Шакиров Д.Т., Хамматова Г.С. Особенности природно-медоносных условий Башкирской АССР // Пути повышения эффективности пчеловодства в Башкирии : сб. науч. тр. Ульяновск, 1977. С. 5-14.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

асаларичилик тармоғини ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

асаларичиликни бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини тизимлаштириш;

асаларичиликда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг методик жиҳатларини асослаш;

асаларичиликни ривожлантиришда ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш;

Ўзбекистонда асаларичиликни ривожлантиришнинг тармоққа хос хусусиятларини асослаш;

соҳанинг самарадорлигини баҳолаш ва асаларичиликни ташкил этишни оптималлаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялардан фойдаланиш ва асаларичилик маҳсулотлари бозорини шакллантириш истиқболларини прогнозлаш;

асаларичиликда намунали асаларичилик хўжаликларини ва модернизация қилинган тармоқлараро алоқаларни шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси асаларичиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида умумий илмий, расмий-манتيқий, вазиятни ўрганишнинг ўзига хос усуллари, таснифлаш, умумлаштириш, горизонтал ва вертикал таққослаш, эконометрик моделлаштириш, эмпирик, омилларни таҳлил қилиш, прогнозлаш усуллари кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

асаларичилик хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнларини алоҳида бошқарув объекти сифатида ажратилиб, уларнинг ҳар бирига махсус бошқарув усуллари қўллашга асосланган ёндашув таклиф этилган;

асаларичилик хўжаликларидаги ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳисоблаш қишлоқ хўжалиги экинларини ўзаро чанглатишдан олинган қўшимча даромад кўрсаткичини киритиш асосида такомиллаштирилган;

асаларичилик маҳсулотларининг товар-хомашё биржалари ва бошқа муқобил каналлар орқали сотишни йўлга қўйиш мақсадида майда товар хўжаликларини кооперация асосида бирлаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда асаларичилик хўжаликларининг амалдаги ишлаб чиқариш қуввати ҳамда уни ривожлантириш асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

асаларичилик тармоғини бошқаришга нисбатан жараёнли ёндашув усули ишлаб чиқилган;

асаларичиликни стратегик ривожлантиришни асосий ва қўллаб-қувватловчи бизнес-жараёнларининг моделлари ишлаб чиқилган;

асаларичиликни бошқаришда рентабеллигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилиб тавсия этилган;

Ўзбекистондаги асаларичиликни бошқариш ташкилий-иқтисодий тузилмаларининг истиқболли моделлари тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий натижаларнинг ишончлилиги асаларичиликда ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш тамойиллари ва усулларининг ўрганилганлиги, тармоқ самарадорлигини тадқиқ этган олимларнинг илмий қарашларини, тадқиқот жараёнида қўлланиладиган методологик ёндашувларнинг асослилиги, шунингдек, ахборот базасининг ишончлилиги ҳамда амалиётда таклиф ва тавсияларни синаб кўришнинг танқидий ва қиёсий таҳлиллари билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий хулоса, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикасида асаларичилик хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз асаларичилик тармоғини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишда, асаларичилик тармоғини ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларини асослаш, асаларичиликни бошқаришда бизнес-жараёнларнинг кетма-кетлигини такомиллаштириш ва тартибга солиш, асаларичиликни стратегик ривожлантириш моделларини қўллашда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда асаларичиликни бошқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсиялар асосида:

асаларичилик хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг асосий жараёнларини алоҳида бошқарув объекти сифатида ажратилиб, уларнинг ҳар бирига махсус бошқарув усулларини қўллашга асосланган ёндашув Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги ва Бўстонлиқ тумани асаларичилик хўжаликлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чоравачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 11 январдаги 02/23-54-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигида асаларичилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ўртача 19,3 фоизга, Бўстонлиқ туманида ўртача 18,2 фоизга ошириш имкониятини яратган;

асаларичилик хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги экинларини ўзаро чанглатишдан олинган қўшимча даромад кўрсаткичини киритиш асосида такомиллаштирилган ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳисоблаш таклифи Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги ва Бўстонлиқ тумани асаларичилик хўжаликлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чоравачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 11 январдаги 02/23-54-сонли маълумотномаси). Натижада асаларичилик хўжаликлари рентабеллик даражаси Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигида ўртача 20,3%га, Бўстонлик тумани асаларичилик хўжаликларида 19,4 %га ортишига эришилган;

асаларичилик маҳсулотларининг товар-хомашё биржалари ва бошқа муқобил каналлар орқали сотишни йўлга қўйиш мақсадида майда товар хўжалиklarини кооперация асосида бирлаштириш таклифи Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги ва Бўстонлик тумани асаларичилик хўжаликлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чоравачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 11 январдаги 02/23-54-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги ва Бўстонлик тумани асаларичилик хўжаликларида бошқарув жараёнини унификация қилиш имкони яратилган;

Ўзбекистонда асаларичилик хўжалиklarининг амалдаги ишлаб чиқариш қуввати ҳамда уни ривожлантириш асосий омилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чоравачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан истиқболдаги фаолиятни белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чоравачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 11 январдаги 02/23-54-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида республикадаги асаларичилик хўжалиklarини фаолиятини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур илмий тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 10 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертация мавзусининг ўрганилганлик ҳолати, тадқиқот ишининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети,

усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Асаларичиликда менежментнинг назарий ва методик асослари ва тамойиллари”** деб номланган бўлиб, бунда асаларичилик хўжалиklarини ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асослари, асаларичилик соҳасини самарадоригини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ва методологик ёндашувлар, жумладан, асаларичиликни бошқариш жараёни методологик ёндашувлари ўрганилган.

Диссертацияда таъкидланишича, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муҳитни ўзгарувчанлиги, ҳар бир соҳада, шу жумладан асаларичиликда, бозорнинг ташқи ва ички конъюнктурасига мос равишда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг объектив талаблари бўйича яхшиланиш имкониятини берадиган самарали бошқарув тизими мавжудлиги муваффақиятнинг асосий омили ҳисобланади.

Диссертант фикрича, иқтисодий беқарорлик шароитида асаларичилик хўжалиklarида самарали бошқариш жараёнига бир қатор муаммолар таъсир этади, жумладан:

- асаларичилик хўжалиklarининг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларига табиий ва иқлим шароитларлари таъсири сезиларли даражада эканлиги;

- асаларичилик маҳсулотларига талаб юқори даражада эгилувчанлигига қарамай, амалдаги бозорни тартибга соладиган механизмлар талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни таъминламаслиги;

- хўжалиklarни техник жиҳозлашда инвестицияларни жалб этиш зарурияти мавжудлигига қарамай, инвестицияларнинг қопланиши даражаси пастлиги;

- асаларичилик маҳсулотларини олиш жараёнида ўсимликлар ва ҳашоратлар каби биологик омилларидан фойдаланилиши, бу эса ишларнинг мавсумийлигини белгилаши ва ишлаб чиқариш даври ҳамда иш даври ўртасидаги тафовутга олиб келиши<sup>6</sup>.

Тадқиқотда таъкидланишича, асаларичилик хўжалиklари менежменти воситалари янги хусусиятларга эга бўлган модернизация қилинган бошқарув тизимини шакллантиради. Уларни аниқлаш учун, авваламбор “менежмент тизими” тушунчасини кўриб чиқиш керак. Менежмент тизими тегишли тузилишга эга, яъни бошқарув жараёнини вужудга келтирадиган муайян элементлар, муносабатлар ва ўзаро таъсирлар тўпламидир. Асаларичилик ҳаёт фаолияти жараёни ташқи ва ички муҳит ўртасида алмашинувни белгилайдиган

---

<sup>6</sup> Курьяков И. А. Основы экономики, организации и управления сельскохозяйственным производством: уч. Пособие / И. А. Курьяков, С. Е. Метелев. – Омск, 2008. – 501 с.

муҳим канал, ҳар қандай асаричилик хўжаликлари менежмент тизимининг ажралмас элементи бу алоқадир<sup>7</sup>.

Бошқарув ёндашувлари ва жараёнлари методологиясини кўриб чиқишда, когнетив вазият, менежмент объекти ва предмети, бошқарув ёндашувлари тизими каби тушунчаларга алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Жараёнли ёндашув концепцияси корхонани бизнес-жараёнлар жамланмаси йиғиндиси сифатида кўриб, унда ҳар бир бизнес-жараённинг бошқарилиши кўзда тутилган. Жараёнли ёндашувда корхонани бошқаришнинг ўзаро боғлиқ бизнес-жараёнлар занжири сифатида кўрилади. Жараёнли ёндашув доирасида асосий, ёрдамчи, ташкилотни бошқариш жараёнлари кўриб чиқилган<sup>8</sup>.

Диссертант фикрича, бошқарув объекти – асаричилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими сифатида бир қанча асалари оилаларидан ташкил топадиган асалари хўжаликлари ҳисобланади. Бошқарув предмети сифатида тизимда ҳаракат қилувчи, асаричилик хўжалигига таъсир этувчи турли жиҳатлар ва қонуниятлар олиниши керак.

Диссертация тадқиқоти натижасида, асаричилик хўжаликлари бизнес-моделларида ўз аксини топган бошқарув қарорларини қабул қилиш кетма-кетлиги ва таркиби тизимлаштирилган. Бизнес-модел ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаштириш ва режалаштиришнинг замонавий бозор воситаси бўлиб, бизнесни оқланишига, хусусан барча харажатларни қоплаб фойда олишга кўмаклашади. Бизнес-модел тасвирлаб берадиган объектнинг асосий элементларини, уларнинг муносабатларини ва ташқи муҳит билан муносабатлар тизимини таъминлайди, бу бизнеснинг соддалаштирилган яхлит кўринишини яратишга ва унинг истеъмолчи учун қиймат, ресурслардан фойдаланиш тартиби, мавжудлиги ёки йўқлиги, барқарор рақобат устунлиги, олинган даромад ва соф фойда миқдори каби муҳим хусусиятларини акс эттиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг **"Ўзбекистонда асаричиликнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари"** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида асаричилик кўрсаткичлари динамикаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги корхоналарида мулк турлари бўйича асаричилик оилалари сони динамикаси, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг тиббий нормаларга мувофиқ асалга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида тадқиқ этилган.

Диссертант томонидан Ўзбекистонда асал ресурсларини ҳудудий жойлашиши ва асаричиликни ривожлантириш ҳолатининг таҳлили ўтказилган. Тадқиқот объекти қилиб олинган Тошкент вилояти Бурчмулло ва Оҳангарон давлат ўрмон хўжаликларида асаричилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва жараёнларини оптималлаштириш тадқиқ этилган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

---

<sup>7</sup> Игнатъева А.В., Максимцов М.М. Исследование систем управления: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. - 157 с.

<sup>8</sup> Чудновская С.Н. Управленческие решения : учебник / С.Н. Чудновская. - М.: Эксмо, 2007. – 356 с.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, тадқиқотчи томонидан асалари оилаларининг кескин даражада камайишининг асосий сабаблари асосланган:

узоқ муддатли интеграцион алоқаларнинг узилиши ва МДХ давлатларида мустақилликдан кейин барча мамлакатларда умумий иқтисодий пасайишнинг юзага келиши;

асаларичилик хўжаликларини ташкил этишнинг йўналишини ўзгартириш ва бозор механизмларига ўтиш, уларни парвариш қилиш учун ажратилган ҳаражатларни камайтириш, механизациялаштириш даражасини пасайиши;

асалариларни боқиш учун зарур бўлган хом ашё танқислиги, асалари оилаларини сифатсиз озуқа билан боқиш, шакар ўрнига турли хил сурогатлардан фойдаланиш асалариларнинг турли касалликларга чалинишига олиб келган;

маҳаллий тажрибали асаларичиларнинг етишмаслиги, тажрибали ва малакали асаларичиларни соҳадан оммавий равишда чиқиб кетиши, асаларичилик соҳасидаги билимлар ва инновацион ёндашувларни пасайишига олиб келган;

соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бир қанча асалари оилаларидан ташкил топадиган асалари кичик хўжаликларининг жойини вақти- вақти билан алмаштириб туриш ёқилғи-мойлаш материалларига бўлган ҳаражатлар талаб қилиши сабабли, ёқилғи-мойлаш материаллари нархларининг мувозанатсиз ўсиши асал ва асаларичилик маҳсулотлари тан нархининг ўсишига олиб келган;

асаларичилик соҳасига етарли даражада инвестициялар киритилмаганлиги соҳанинг моддий ва техник базасини жисмоний ва маънавий эскиришига олиб келган;

асаларичилик соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш даражаси етарли эмаслиги ишлаб чиқариш кучларининг пасайишига олиб келган.

Диссертацияда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2016-2018 йилларда асалари оиласи сонининг ўсиш суръати 21% ни ташкил этган. Асаларичиликнинг энг юқори ўсиш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Бухоро вилоятларида кузатилмоқда.

2011 йилдан 2019 йилгача деҳқон хўжаликларида асаларичилик оилалари сони ўсиши кузатилади. Ўзбекистонда мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш натижасида деҳқон ва фермер хўжаликлари асаларичиликни ривожлантиришда энг кенг тарқалган ишлаб чиқариш субъектига айланди, бу ерда умумий якуний самарали натижага эришиш соҳада паст малакага эга бўлган оила аъзоларига боғлиқ бўлиб қолди.

**1-жадвал**

**Тиббий стандартларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси аҳолисини асалга бўлган эҳтиёжини ҳисоб-китоби<sup>9</sup>**

Курсаткич	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Олинган асал, тонна	2 685	2 115,7	3 171,9	10 157	12 050	11 737,6	11 737	12369
Ўзбекистон аҳолиси сони, минг киши	24430	26021	29123	29749	31575	32120	32120	34036
Эҳтиёж (1 кишига 1,8 кг), тонна	43974	46837,8	52421,4	53548,2	56835	57816	57816	61264
Асал билан таъминланганлик, %	6	4	6	18	21	20	20	20

Диссертацияда таъкидланишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон бўйича асал билан таъминланиш даражаси меъёри ўртача 20 % ни ташкил этди, бу ўз навбатида асални энг кам истеъмол даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳам сезиларли паст кўрсаткич деб ҳисобланди.

Тошкент вилояти Бурчмулло давлат ўрмон хўжалиги асал етиштириш билан бир қаторда мум ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. Ўрганиш даврида, 2012-2014 йилларда илмий асосланган бошқарув усуллари йўқлиги ва турли омиллар таъсирида асалариларнинг 20 % нобуд бўлган. Бу хўжаликларда асалариларни қишга тайёргарлик ишларини амалга оширишда ташкилий тайёргалик ишлари ва бошқарувда номутаносиблик мавжудлигидан далолат беради.

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан Республика Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган.

2-жадвал.

2012-2019 йилларда Тошкент вилояти асаларичилик самарадорлиги<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
Асалари оилалари сони	13540	14540	15645	14642	16669	17468	20638	21300
Асал ишлаб чиқилган, кг	223410	251542	278481	279662	336713	345866	363228	391920
1 асалари оиласининг асал бўйича унумдорлиги, кг.	16,5	17,3	17,8	19,1	20,2	19,8	17,6	18,4
Сотилган асал ҳажми, кг	183642	214531	267123	268345	332473	342458	354127	384930
Сотиш нархи 1 кг., асал, минг сўм	11,1	20	22	26	30	35	40	60
Асал сотидан олинган ялпи даромад, минг сўм	2038426	4290620	5876706	6976970	9974190	11986030	14165080	23095800
Асал ишлаб чиқиш таннархи минг сўм	1952365	4082563	5347803	6279273	8976771	10787427	12748572	20786220
Асал сотишдан олинган соф даромад, минг сўм.	86061	208057	528903	697697	997419	1198603	1416508	2309580

2-жадвалдан кўриниб турибтики, 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Тошкент вилоятида асаларичилик самарадорлиги сезиларли даражада ошди: асаларичилик уялари сони сезиларли ошган, ишлаб чиқарилган асал ҳажми, уни сотишдан олинган ялпи даромад ва асаларичилик хўжаликлари соф фойдаси ошган. Айрим асаларичилик хўжаликларида асал ишлаб чиқариш таннархининг юқори кўрсаткичлари мавжудлигига, асал ва асалчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мавжуд бўлган моддий ресурслардан етарли даражада самарали фойдаланилмаганлиги қарамай, Тошкент вилоятидаги асаларичилик хўжаликларининг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили асаларичиликнинг умумий усишидан далолат беради

Тадқиқот натижаларига кўра, монографик тадқиқот объекти сифатида Тошкент вилояти Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигида 2015-2016 йилларда максимал маҳсулдорликка эришилган ва 2017-2019 йилларда ишлаб

<sup>10</sup> Республика Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

чиқарилган асал ҳамжмининг пасайиши тенденцияси кузатилган. Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги бошқа турдаги асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланмайди.

### 3-жадвал

#### Тошкент вилояти Бурчмулло ва Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигида 2012-2019 йилларда асаларичилик маҳсулоти ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили <sup>11</sup>.

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
<b>Тошкент вилояти Бурчмулло давлат ўрмон хўжалиги</b>								
Асалари оилалари сони, дона.	650	650	550	660	762	885	1011	1025
Асал ишлаб чиқариш ҳажми, кг	9512	8600	10164	12470	13028	18497	20767	21566
1та асалари оиласининг асал бўйича маҳсулодорлиги, кг.	14,6	13,2	18,5	18,9	24,7	20,9	20,6	21,2
Сотилган асал, кг	2108	1147	740	1645	3204	2174	4204	4435
1 кг. асални сотиш нархи , минг сўм	11,1	14,0	18,0	17,0	22,9	20,7	20,7	20,7
Асал сотишдан тушган умумий фойда, минг сўм	23346	16058	13327	27978	73400	44898	86832	91805
Асал ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	19580	28217	32340	32630	37500	38058	39350	38890
Асал сотишдан олинган соф фойда, минг сўм	3766	-12159	-19013	-4655	35899	6840	47468	52915
Олинган мум, кг	-	7,8	-	52,4	123	77	98	101
1та асалари оиласининг мум бўйича маҳсулодорлиги, кг.	-	0,01	-	0,07	0,16	0,08	0,09	0,10
Мум сотишдан олинган фойда, минг сўм	-	51	-	1272	5959	1492	6300	6890
Асал ва мумдан хўжаликнинг умумий соф фойдаси, минг сўм	3766	-12108	-19013	-3383	41858	8332	53768	59805
<b>Тошкент вилояти Оҳангарон давлат ўрмон хўжалиги</b>								
Асалари оилалари сони, дона.	511	540	561	691	801	881	969	993
Асал ишлаб чиқариш ҳажми, кг	8200	7200	12000	13600	19100	18600	21200	22420
Шу жумладан товар кўринишдаги асал, кг	2358	2800	2030	3840	4140	-	405	896
1та асалари оиласининг асал бўйича маҳсулодорлиги, кг.	16,04	13,33	21,39	19,68	23,84	21,11	21,87	23,65
Сотилган асал, кг	621	711	773	2202	2882	2174	1052	3704
1 кг. асални сотиш нархи , минг сўм	12,8	15,3	13,8	17,5	27,9	25,1	25,1	25,1
Асал сотишда тушган умумий фойда, минг сўм	7949	10878	10667	38601	80214	54614	26401	92975
Асал ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	54694	51787	79886	130962	73326	113972	117600	91720
Асал сотишдан олинган соф фойда, минг сўм	-46745	-40909	-69219	-92427	6888	-59358	-91199	1255

<sup>11</sup> Тошкент вилояти Бурчмулло ва Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигининг молиявий ҳисоботи асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

Асалчилик хўжаликларида асосий иш жараёнларини самарадорлигини ошири захираларини аниқлаш учун маҳсулотларнинг барча турлари бўйича харажатларни тизимли равшда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳар қандай ихтисослашган асалчилик хўжалиги харажатларни камайтиришга интилади. Бундай таҳлил вақт-вақти билан ўтказиш зарурати сабаби, харажатларни таҳлил қилиш методикасини асалчилик тармоғига мослаштирилган ҳолда, келиб чиқиш жойи бўйича қўллаш тавсия этилади.

Асаларичиликда харажатлар келиб чиқиш жойи бўйича қўйидаги таснифи таклиф қилинган:

**А – гуруҳ** - асалариларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар. Ушбу харажатлар қисмига асаларичиликда харажатларни кўп қисми тўғри келади, шу жумладан жиҳоз ва инвентарь, ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, асалариларни парвариш қилиш харажатлари.

**Б – гуруҳ** – асални сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича бўлинмалар харажатлари. Харажатлар нисбати бўйича ушбу бўлинма харажатлари ўрта харажатли ҳажимга эга.

**В – гуруҳ** – маъмурий ва иқтисодий жараёнларни таъминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича бўлинмалар харажатлари. Харажатлар нисбати бўйича ушбу бўлинма харажатлари нисбатан кам харажат ҳисобланади.

Белгиланган гуруҳларнинг ҳар бири учун амалга оширилган харажатлар келиб чиқиши бўйича таҳлил асаларичилик тармоғида харажатларнинг ўсишининг асосий сабабини аниқлаш, келажакда уларни камайтириш бўйича фаол ҳаракатларни амалга оширишга ва энг кўп харажатга эга қисимларини бошқаришга эътиборни қаратишга ёрдам беради.

Энг юқори харажатга эга А – гуруҳни таҳлил қилишда, шуни тақитлаш лозимки харажатлар орасида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган харажат бу иш ҳаққи ва озуқа харажатлари ҳисобланади.

Корреляцион-регрессион таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, **Stata 14** электрон дастури ёрдамида, тадқиқот давомида асални сотишдан олинган фойданинг А – гуруҳидаги энг катта бўлган харажатларга боғлиқлигини аниқлашга имкон берадиган модел тузилди.

#### 4-жадвал.

#### А-гуруҳида фойданинг энг муҳим харажатларга боғлиқлигини статистик таҳлил қилиш матрицаси

Кўрсаткичлар	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й
X1	20100	25300	32100	51400	59700	77100	85000	87560
X2	34594	26487	31286	79562	7226	36872	16200	35870
Самарали кўрсаткич У	7949	10878	10667	38601	80214	54614	26401	28750

У – асал сотишдан олинган ялпи даромад, минг сўм.

X1 – иш ҳаққи харажатлари, минг сўм.

X2- озуқа харажатлари, минг сўм.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида қўйижаги регрессия тенгламаси олинган:

$$Y = 15193,42 - 0,4277X_1 - 0,1766X_2.$$

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, натижада  $X_1$  кўрасткичнинг 1 минг сўмга ўсиши самарали кўрсаткич  $Y$  ни ўртача 0,43 минг сўмга пасайишига олиб келади;  $X_2$  кўрсаткичини 1 бирликка кўпайиши  $Y$  самарали кўрсаткичнинг ўртача 0,18 минг сўмга пасайишига олиб келади. Самарали кўрсаткич  $Y$  га  $X_1$  омили катта таъсир қилади, яъний асални сотишдан олинган ялпи фойдага иш ҳаққи хажми катта таъсир кўрсатади. А – гуруҳи жаражатларини камайтириш учун меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнатни механизациялаштириш ва автоматизациялаштириш, оғир ва самарасиз қўл меҳнатини минималлаштириш тавсия этилади.

Учинчи боб **“Асаларичилик соҳасини самарали бошқариш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари”** деб номланиб, унда асаларичиликда бошқарувнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Бошқарувга технологик ёндашув методологиясидан фойдаланиб, асаларичилик хўжаликларини бошқаришда асосий ва ёрдамчи бизнес-жараёнлар модели ишлаб чиқилган.

Диссертант томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни самарадорлиги бошқарув қарорлари ҳамда ташкилий ва иқтисодий чораларига боғлиқлиги асосланган. Ўзаро чанглатишдан олинган қўшимча даромадни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда асаларичилик тармоғининг рентабеллигини ҳисоблаш усули таклиф қилинган. Асаларичилик хўжаликларида бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш усули такомиллаштирилган, асаларичилик маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва самарадорлигини ҳисоблаш кўрсаткичлари асосланган.

Диссертант фикрича, Тошкент вилояти Оҳаргарон давлат ўрмон хўжалигида 2012-2015 йиллар ва 2017-2019 йилларда иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўртасида номутаносибик кузатилиб, бу бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг иқтисодий қонунларини тўғридан-тўғри бузилиши ҳисобланади. Бу йиллар давомида хўжаликнинг асал етиштириш фаолияти салбий бўлгани кузатилган. Фақатгина 2016 йилда иш ҳақининг унумдорликка нисбати 0,7 ни ташкил этиб, меҳнат умдорлигининг ўсиши иш ҳақиға нисбатан юқори бўлган.

Диссертант томонидан жараёнли ёндашув методикасида фойдаланиб, асаларичиликни ривожлантиришда стратегик асосий ва қўллаб-қувватловчи модел ишлаб чиқилган (1- расм).



1-расм. Асаларичилик хўжалигини асосий ва қўллаб-қувватловчи бизнес-жараёнлар модели<sup>12</sup>

Таклиф этилган модел 6 та асосий ва 5 қўллаб-қувватловчи бизнес жараёнларни, хусусан ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспорт ва коммуникациялар, молиявий қўллаб-қувватлаш, маъмурий ва бизнес жараёнлар, асални сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ўз ичига олади.

Диссертант томонидан асаларичиликда жараёнга йўналтирилган бошқарувнинг афзалликлари асосланган:

бошқарув қарорларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши;

натижаларни олдиндан башорат қила олиш;

бошқарув қарорларини қабул қилинишини асосланганлиги;

бошқарув қарорларини ижрочига тезкор етказилиши;

бошқарув қарорларини қабул қилишда маълумотларнинг сифати ва тўлиқлигини таъминланиши;


ортиқча вертикал ўзаро таъсир кўрсатувчилар сонининг камайиши;

ишлаб чиқариш жараёни доирасида барча бўлинмалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш.

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фаолият мониторинги ва самарадорлигини таҳлили натижасига кўра, хўжаликларда етиштирилган асалнинг катта қисми сотилмай қолган бўлиб, натижада хўжаликларда фойда миқдори камайган. Асаларичилик маҳсулотларини сотишда юзага келган қийинчиликлар асаларичилик хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маркетинг тизимидаги камчиликлар билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида соҳани бошқарув самарадорлигига сезиларли таъсир қилади.

Юқоридаги салбий ҳолатларнинг ечими сифатида муаллиф томонидан асаларичилик маҳсулотларини сотиш схемаси тавсия қилинган (2-расм).



2-расм . Асаларичилик маҳсулотларини сотиш схемаси<sup>13</sup>

Шунингдек, бошқарув қарорларининг самарадорлиги асаларичиликда ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий чораларига боғлиқлиги асосланган (5-жадвал).

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**Бошқарув қарорларининг самарадорлиги асаларичиликда ишлаб  
чиқариш жараёнларига таъсир қилишнинг ташкилий-иқтисодий  
чораларига боғлиқлиги<sup>14</sup>**

<b>Ишлаб чиқариш жараёни</b>	<b>Ташкилий-иқтисодий таъсирлар</b>	<b>Ташкилий бошқарув тизимдаги бошқарув қарори</b>
Асалариларни гуруҳда парваришlash	Асалариларни гуруҳда парваришlashнинг мақсади барча асалари оилалари билан бир хил ишни бажариш учун барча арилар оилалари томонидан бир вақтнинг ўзида ишлаш ва ривожлантиришнинг турли босқичларига ўтиш	Режалаштириш - ташкил этиш - мотивация. Мониторинг натижалари ва оғишларни таҳлил қилиш. Натижани баҳолаш
Уяларни кенгайтириш	Мавсум бошлангунча гуруҳлар томонидан олдиндан тайёрланган уялар билан, инларни уянинг турига қараб кенгайтирилади. Гуруҳ раҳбари томонидан уларнинг сифати текширилади.	Натижалар ва оғишлар мониторинги. Натижани баҳолаш
Асалариларни янги оилаларини шакллантириш	Кучли янги асалари оилаларини маҳсулдор оналиклари билан шакллантириш. 8 соат давомида гуруҳ раҳбари 2 та ишчиси билан 50 та янги асалари оилаларини тайёрлаши мумкин.	Янги асалари оилаларини ўлиши ҳисобига йўқотишларни назорат қилиш. Қўшимча янги асалари оилаларини шакллантиришнинг зарурийлиги тўғрисида қарор қабул қилиш
Озуқаларни тезлик билан бериш	Асал-шакар қоришмаси энг самарали ва энг кам меҳнат талаб озуқа бериш ҳисобланади. 2 та аричи асал-шакар қоришмасини тайёрлайди ва асалариларга таркатади.	Гуруҳ раҳбари озуқа тарқатиш жараёнини назорат қилади
Асалариларни кўчириш	Кўчиришга тайёрлаш ва уяларни қотириш. Контейнер уяларига юклаш ва кўчириш. Асал йиғиш жойига тушуриш.	Натижаларни ва оғишларни пайдо бўлиши билан назорат қилиш
